



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**АХБОРОТНОМАСИ**

**№ 1–2 (48–49)**

---

**2018**

Тошкент – 2018

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил № 1–2 (48–49)–сон**

**Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги  
Оммавий ахборот воситаси  
сифатида давлат рўйхатидан  
ўтказилганлиги тўғрисида  
гувоҳнома № 0838**

**1999 йилдан чиқа бошлаган**

**Муассис:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда ўзбек  
ва рус тилларида  
босилади**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ  
Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ**

Жавлон АБДУЛЛАЕВ  
Олимжон АБДУНАЗАРОВ  
Комилжон АДИЛОВ  
Отгалди БОБОЖОНОВ  
Гайрат МАШКУРОВ  
Эсон РАЖАБОВ  
Жанабай САДИКОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Темур ШИРИНОВ

**БОШ МУҲАРРИР  
Жаҳонгир НАХАНОВ**

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
майдони, 6.  
www.elections.uz e-mail:saylov@umail.uz  
Телефон: 239-43-91  
Нашриёт лицензияси А1 № 158.14.08.2009.  
Босишга 2018 йил 27 мартда ружсат этилди.  
Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет қоғози. «Times  
New Roman» гарнитурасида офсет босма  
усулида босилди. Шартли босма табоғи  
6,05. Нашр табоғи 4,13. Адади 20 нусха.  
Буюртма № 841-19.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги-  
нинг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий  
уйи. 100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**МУНДАРИЖА**

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов ко-  
миссиясининг 2017 йил иккинчи ярмидаги амалга  
оширган ишлари юзасидан ахбороти ҳамда 2018  
йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режа-  
си тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссиясининг қарори**

**7**

**«Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ло-  
йиҳасини янада такомиллаштириш бўйича иш-  
чи гуруҳ таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-  
сиясининг қарори**

**8**

**«Р. Иноятовни Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш  
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссиясининг қарори**

**10**

**«Б. Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқариш  
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссиясининг қарори**

**11**

**«Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайло-  
вини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-  
си Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

**12**

**«Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республика-  
си Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайловини  
ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

**13**

**«Р. Назаров, Ғ. Ибрагимов ва О. Иминовни  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Сенати аъзолари этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комисси-  
ясининг қарори**

**14**

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Б. Асадов ва И. Кудратовнинг сенаторлик ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

15

**«Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

16

**«Б. Расуловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

17

**«К.М. Адиловнинг ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан ва Марказий сайлов комиссияси аъзолигидан озод этиш тўғрисида берган ёзма аризаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

18

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосарини сайлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

19

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

20

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Б. Ниёзматовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

23

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси айрим депутатларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

24

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси Ф. Эрмановнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

25

3

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси Р. Усмановнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

26

**«Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

27

**«Э. Салиевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

28

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси И. Сабиоровнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

29

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати С. Турсуновнинг депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

30

**«Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

31

**«Ш. Чўллийев ва Р. Саидовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

32

**«Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

33

**«Сурхондарё, Навоий, Сирдарё ва Наманган вилоятларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлисларда сайланган сенаторларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

34

**«Тошкент шаҳрида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

35

**«Тошкент шаҳрида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлисда сайланган Ж. Артикходжаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

36

**«Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасининг дастлабки натижалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

37

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

39

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси Т. Джураевнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

41

**«Тошкент шаҳрида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

42

**«Тошкент шаҳрида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлисда сайланган Д. Ташмухамедовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

43

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси айрим депутатларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

44

**«Хоразм вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

45

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси Ў. Курбановнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

46

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг олий юридик маълумотга эга бўлган доимий асосда ишловчи комиссия аъзолари ва Котибият ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшма қарори**

47

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

48

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот ҳамда 2019 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

50

**«Хоразм вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлисда сайланган Ф. Эрмановни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

51

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

52



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 862

2018 йил «11» январь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2017 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН АХБОРОТИ ҲАМДА 2018 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил иккинчи ярмидаги амалга оширган ишлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбанкуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 863

2018 йил «11» январь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар талабларидан келиб чиқиб унификация қилиш масаласи яъни ягона Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланди. Ушбу вазифаларни белгиланган муддатларда ва сифатли ижро этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги қонунлари асосида тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқ соҳасида бой тажрибага эга бўлган малакали мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда шакллантирилган ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.



2. Ишчи гуруҳ аъзолари қуйидаги асосий вазифаларга эътиборни қаратсинлар:

- бир-бирини инкор қилувчи қоидалар ва коллизияларни, такрорларни бартараф этиш, қонунчилик нормаларини турлича талқин қилиш ва қўллаш ҳолатларини тугатиш;

- “Сайлов варақаси” деган тушунчани муоамаладан чиқариш ҳамда сайлов бюллетенидан муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз беришда асосий ҳужжат сифатида фойдаланиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни кузатиб бориш ҳуқуқини берувчи фуқаролик назорати институтини жорий этиш;

- сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан сайлов жараёнида фойдаланиш тартибларини лойиҳада акс эттириш;

- сайлов комиссиясига жалб этилган доимий иш жойига эга бўлмаган шахсларга сайловларни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан иш ҳақи тўлаш;

- сайлов натижалари бўйича участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузиш тартибини соддалаштириш;

- участка сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш ҳақидаги баённомаларини сайлов участкасида 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйиш тартибини жорий этиш;

- имзо тўплашда фақат бир партияди қўллаб-қувватлаш чекловини бекор қилиш;

- қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида сайловчилар рўйхати ушбу муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилиши ҳақидаги қоидали белгилаш;

- округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг баённомаларини тўғри тўлдирилганлигини аниқлаш ва баённомада ихтилофлар аниқланганда кўриладиган чора-тадбирлар тартибини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли Йўриқномасини бекор қилган ҳолда уни қонунчилик нормаларига киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар учун ягона сайлов участкасини ташкил этиш;

- давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов пайтида сайлов округларидаги сайловчилар сонига фарқнинг максимал фарқи 15 фоиздан ошмаслиги тўғрисидаги нормани белгилаш;

- сайлов билан боғлиқ низолар (шикоят ва апелляциялар)ни ҳал этишнинг шаффоф ва ишончли механизмларини яратиш.

3.Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломовга зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 864

2018 йил «2» февраль

**Р.ИНОЯТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 январдаги “Р.Р.Иноятовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида”ги 5322-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50, 62-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Рустам Расулевич Иноятов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 865

2018 йил «1» март

### Б.ЮСУПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ РЎЙХАТИДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги ПФ-5363 сон Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баходир Турсунович Юсуповнинг ваколатлари муддатидан аввал тугатилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқарилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 866

2018 йил «15» март

### БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Навоий ва Сурхондарё вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари тегишинча соат 11<sup>00</sup> да 2018 йил 23 март куни Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази” ҳамда 2018 йил 24 март куни Термиз шаҳридаги “Ёшлар маркази” катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Навоий ва Сурхондарё вилоят Кенгашларига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 867

2018 йил «23» март

### БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича кўшма мажлиси 2018 йил 25 март куни соат 09:00да Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройи биносининг катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
раиси ўринбосари**

**К.Адилов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 868

2018 йил «27» март

**Р.НАЗАРОВ, Ғ.ИБРАГИМОВ ВА О.ИМИНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ  
ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича 2018 йил 23-25 март кунлари ўтказилган қўшма мажлислари баённомаларига асосан Раҳматулла Джурабаевич Назаров, Ғуломжон Иномович Ибрагимов ҳамда Одилжон Каримович Иминов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 869

2018 йил «27» март

### ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ Б.АСАДОВ ВА И.КУДРАТОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 февралдаги “Б.З.Асадовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида”ги 3508-сон Қарорига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ботиржон Закирович Асадов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланганлиги ва Исроил Турсунбаевич Кудратов халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати ваколоти тугатилганлиги муносабати билан уларнинг сенаторлик ваколлатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Тошкент ва Сирдарё вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 870

2018 йил «11» апрель

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича кўшма мажлиси 2018 йил 14 апрель куни соат 10.00 да Фарғона вилояти “Тадбиркорлар маркази” биносида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси ўринбосари**

**К.Адилов**



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 871

2018 йил «16» апрель

**Б.РАСУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА  
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2018 йил 14 апрель кунини ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Бойматжон Эркинович Расулов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 872

2018 йил «24» апрель

**К.М.АДИЛОВНИНГ ЎЗ ХОҲИШИГА КЎРА ЭГАЛЛАБ ТУРГАН  
ЛАВОЗИМИДАН ВА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ  
АЪЗОЛИГИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА БЕРГАН ЁЗМА  
АРИЗАСИ ҲАҚИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3, 5, 6-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. **Камилжан Махаматкулович Адиллов** ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида берган ёзма аризасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

2. Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари (С.Курбанкулов) К.М.Адилловнинг Марказий сайлов комиссияси аъзолигидан озод этиш ҳақидаги аризасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун тақдимнома тайёрласин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 873

2018 йил «4» май

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 3 - моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси **Гюльноза Абдусаттаровна Рахимова** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 874

2018 йил «4» май

### ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА 2019 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2019 йилда ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга ҳозирдан киришиш кераклиги, ушбу дастурда мазкур сиёсий жараён янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, шунингдек, бугунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар талабларидан келиб чиқиб унификация қилиш масаласи яъни ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги таъкидланган.

2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайловига қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда, халқаро сайлов стандартларига мувофиқ равишда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунининг 5, 9, 10-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сонли Фармони иловасининг 2 ва 5-бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

## **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар Дастури (бундан буён матнда - Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, барча тадбирлар ижрочи масъуллар томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Қарор билан тасдиқланган Дастурга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

2. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

–умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари ҳамда миллий сайлов қонун ҳужжатлари қоида-талаблари ва хусусиятлари асосида ягона Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда эксперт ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Сайловчиларининг ягона электрон рўйхати ахборот тизимини такомиллаштириш ва “Электрон ҳукумат” тизими доирасида республика бўйича сайлов жараёнини янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этиш;

2019 йилдаги сайловларда ташкил этиладиган сайлов комиссиялари аъзолигига аввалги сайловларда иштирок этган, бой тажриба ва билимга эга аъзоларнинг электрон маълумотлар базасини фуқаролик жамияти институтлари вакилларини кенг жалб этган ҳолда шакллантириш ҳамда уларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид ҳуқуқий билимлари ва амалий кўникмаларини янада оширишга қаратилган конференция, семинар-тренинг ва давра суҳбатларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган

сайловларда тузиладиган округ ва участка сайлов комиссияларининг жойлашадиган манзили ва биноларини белгилаб олиш ва уларнинг электрон маълумотлар базасини шакллантириш. Ушбу биноларни таъмирлаш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун зарур моддий-техник воситалар билан таъминлаш тадбирларини тузиш ва амалга ошириш;

сайловларни юксак демократик савияда ўтказиш ва сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий билимларини, амалий кўникмаларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар ва нодавлат ноижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда 2018-2019 йилларга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот Дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқ ва сайлов соҳасида бой тажрибага эга бўлган малакали мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда миллий ва халқаро сайлов стандартларига мос ҳолда сайловларга оид илмий-амалий ва оммабоп адабиётлар чоп этиш, видеоролик ва ўқув фильмлар тайёрлаш учун танлов эълон қилиш;

сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоида-талабларини ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини кенг оммага тушунтириш мақсадида, олимлар, мутахассислар, экспертлар ва амалиётчилар иштирокида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, бошқа тадбирлар ташкил этиш ва видеороликлар тайёрлаш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

– ёшларнинг, айниқса сайловларда биринчи марта иштирок этаётганларнинг сайлов-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус услубий қўлланмалар, видеороликлар тайёрлаш ва тарғиботини ташкил этиш каби мақсадли вазифаларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

-сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳамда сайлов қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, миллий сайлов тизимининг очиқ-ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш мақсадида телевидение, радио, интернет нашрлари ва бошқа оммавий-ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур Қарорни ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.Абдусаломов**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

---

№ 875

2018 йил «13» июнь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Б.НИЁЗМАТОВНИНГ**  
**ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 майдаги ПҚ–3747-сон Қарорига асосан 15-Хўжаобод сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Баҳром Бахтиёрович Ниёзматов Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг саноатни таркибий ўзгартириш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

---

№ 876

2018 йил «13» июнь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ**  
**ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ**  
**ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. 22-Когон сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Фируза Баходирхоновна Ибрагимова Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари – вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига ҳамда 55-Қорадарё сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Рустам Ражаббойевич Кобилов Самарқанд вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланганликлари муносабати билан уларнинг депутатлик ваколатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Бухоро ва Самарқанд вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 877

2018 йил «3» июль

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Ф.ЭРМАНОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Фарход Уразбоевич Эрмановнинг халқ депутатлари Беруний тумани Кенгаши депутати ваколоти тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколоти муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 878

2018 йил «3» июль

### ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ Р.УСМАНОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Раҳманбек Джахангирович Усманов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида берган ёзма аризасига асосан, унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 879

2018 йил «3» июль

### БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жиззах вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича кўшма мажлиси 2018 йил 6 июль куни соат 10.00 да Жиззах вилояти муסיқали драма театри биносида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 880

2018 йил «11» июль

### Э.САЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жиззах вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2018 йил 6 июль куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Эргаш Алибекович Салиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 881

2018 йил «11» июль

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ И.САБИРОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Илгизар Матякубович Сабировнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 882

2018 йил «11» июль

### ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ С.ТУРСУНОВНИНГ ДЕПУТАТЛИК ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутати Собит Ахмадович Турсунов вафот этганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**





## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 883

2018 йил «30» июль

### БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари тегишинча 2018 йил 31 июль куни соат 08:00 да Бухоро шаҳридаги “Ёшлар маркази”биносида ҳамда 2018 йил 3 август куни соат 17:00 да Қарши шаҳридаги вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Бухоро ва Қашқадарё вилоят Кенгашларига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 884

2018 йил «б» август

### Ш.ЧЎЛЛИЕВ ВА Р.САИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 2018 йил 31 июль ва 3 август кунлари бўлиб ўтган Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари баённомаларига асосан Шухрат Аскарлович Чўллийев ҳамда Рузи Туйчиевич Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Бухоро ва Қашқадарё вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 885

2018 йил «28» август

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВИНИ**  
**ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Наманган, Сурхондарё, Навоий ва Сирдарё вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари тегишинча:

- 2018 йил 5 сентябрь куни соат 11:00да Наманган шаҳар ҳокимлигининг маъмурий биносида;

- 2018 йил 5 сентябрь куни соат 10:00да Термиз шаҳридаги “Ёшлар маркази” катта мажлислар залида;

- 2018 йил 6 сентябрь куни соат 10:00да Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази” катта мажлислар залида;

- 2018 йил 7 сентябрь куни соат 10:00да Сирдарё вилоят ҳокимлигининг маъмурий биносида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Наманган, Сурхондарё, Навоий ва Сирдарё вилоят Кенгашларига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 886

2018 йил «10» сентябрь

**Сурхондарё, Навоий, Сирдарё ва Наманган вилоятларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлисларда сайланган сенаторларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олиш тўғрисида**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Сурхондарё, Навоий, Сирдарё ва Наманган вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича 2018 йил 5-8 сентябрь кунлари ўтказилган қўшма мажлислари баённомаларига асосан:

- Сурхондарё вилоятидан Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов;
- Навоий вилоятидан Жамшид Бахтиёрович Ходжаев;
- Сирдарё вилоятидан Улуғбек Норхожаевич Сотиболдиев;
- Наманган вилоятидан Одилжон Охундедаевич Маматкаримов,

Мавлуда Файзуллаевна Имомова, Бахтиёр Ганиевич Умаровлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё, Навоий, Сирдарё ва Наманган вилоят Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 887

2018 йил «10» сентябрь

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ  
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2018 йил 14 сентябрь куни соат 10:00да Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 888

2018 йил «18» сентябрь

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА  
МАЖЛИСДА САЙЛАНГАН Ж.АРТИКХОДЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ  
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2018 йил 14 сентябрь куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан **Жахонгир Абидович Артикходжаев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 889

2018 йил «25» сентябрь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси ва 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 2-бандиги асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни ташкил этиш Ҳаракатлар режаси (Йўл харитаси)да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби (С.Курбанкулов)нинг Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасининг дастлабки натижалари юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини янада такомиллаштиришда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб чиқсин ва улардан самарали фойдаланиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик диққат-эътиборига етказиш ҳамда унинг мониторингини юритиш режа асосида давом эттирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов)га жорий йилнинг ноябрь ойида Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро анжуманни хорижий ташкилотлар ва сайлов соҳасида бой тажрибага эга бўлган малакали чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказиш бўйича тадбирлар режаси, концепцияси ҳамда дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро анжуманни ўтказишда хорижий (халқаро) мутахассисларни танлаш ва таклиф этишда амалий ёрдам бериш сўралсин.

6. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раис ўринбосари Г.Рахимова зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 890

2018 йил «9» октябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
Ш.М.МИРЗИЁЕВНИНГ 2018 ЙИЛ 4 ОКТЯБРДАГИ “САЙЛОВ  
ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ  
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси ва 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 5-бандига шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3961 сон қарорида белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3961 сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Президент қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ташкилотлар ва идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Ташкилотлар ва идоралараро ишчи гуруҳининг фаолиятини мувофиқлаштириш дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш ва Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилишни амалга ошириш бўйича тегишли ташкилотлар ва идоралараро мувофиқлаштирувчи сифатида белгиланганини инобатга олиб:

- Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси 10 кун муддат ичида фуқароларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали сайловчи-фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойларининг манзиллари тўғрисидаги ягона ахборотни тайёрлаш тартиби бўйича идоралараро ҳамкорлик ҳужжатини қабул қилиб, ишчи гуруҳига тақдим этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

- “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3961 сон қарори ижро юзасидан йўл ҳариталарини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш вазифаси юклатилсин;

- ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари раҳбарлари билан биргаликда фуқароларни уйма-уй юриб ўрганишни ташкил этиш бўйича гуруҳлар учун компьютер ускуналари билан жиҳозланган хоналар ва қўшимча ходимлар ажратсин.

6. Адлия вазирлигининг фуқароларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойларининг манзиллари тўғрисидаги ахборотни тўлиқ тўплашнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришга оид видео-роликларни тайёрлаш юзасидан берган таклифи маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат олиб борувчи масъул

давлат органи сифатида барча даҳддор идора ва ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ҳамда ижро интизомини кучайтиришни қатъий назорат қилиш сўралсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов)га тегишли ташкилотлар ва идоралардан қарор ижросини таъминлаш юзасидан ҳисоботларни белгиланган тартибда ҳар ойнинг 5-чи санасигача тўплаш ҳамда унинг мониторингини юритиш вазифаси юклатилсин.

9. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 891

2018 йил «9» октябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Т.ДЖУРАЕВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 11 июлдаги “Т.И.Джураевни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида”ги КҚ-376-III-сон қарорига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2018 йил 13 июлдаги 282-53-сон қарорига ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Турабжон Икрамович Джураевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари 2018 йил 13 июлдан тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 892

2018 йил «16» октябрь

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ  
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2018 йил 26 октябрь куни соат 10:00да Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 893

2018 йил «30» октябрь

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА  
МАЖЛИСДА САЙЛАНГАН Д.ТАШМУХАМЕДОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ  
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2018 йил 27 октябрь куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан **Дилорам Гафурджановна Ташмухамедова** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 894

2018 йил «30» октябрь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 5-Хўжайли сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати **Салауатдин Худайбергенов** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири лавозимига ҳамда 135-Шайхонтохур сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати **Элбек Хабибуллаевич Шукуров** Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланганликлари муносабати билан уларнинг депутатлик ваколатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 895

2018 йил «24» декабрь

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОСИ  
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Хоразм вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича кўшма мажлиси 2018 йил 26 декабрь куни соат 14:30да Хоразм вилояти “Маънавият ва маърифат маркази”нинг катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 896

2018 йил «24» декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Ў.КУРБАНОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси Ўктамбой Кучкарович Курбанов Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 30 ноябрдаги 744-қ-сон қарорига асосан Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланганлиги муносабати билан ҳамда берган ёзма аризасига мувофиқ унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
Раисининг  
897-сон 25.12.2018 й**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирининг  
389-ут-сон 25.12.2018**

## **ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг олий  
юримдик маълумотга эга бўлган доимий асосда ишловчи комиссия  
аъзолари ва Котибият ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4004-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг олий юримдик маълумотга эга бўлган доимий асосда ишловчи комиссия аъзолари ва Котибият ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазири**

**Р.Давлетов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 898

2018 йил «27» декабрь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВНИНГ 2018 ЙИЛ 6 НОЯБРДАГИ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4004 сон қарори ҳамда ушбу қарор ижроси юзасидан қабул қилинган Марказий сайлов комиссияси Раисининг 2018 йил 12 ноябрдаги 87-сон фармойиши шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият ҳодимлари тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда Президент қарорининг 1-иловасига мувофиқ қабул қилинган “Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури”да белгиланган барча вазифаларнинг ўз муддатида ва изчил ижро этилаётганлиги инобатга олинсин.

2. Марказий сайлов комиссиясининг ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Марказий сайлов комиссияси Котибияти ҳузурида Президент қарори асосида Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини ва Котибият Низомини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари таркиби 2, 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Г.Рахимованинг, Котибият раҳбари С.Курбанкуловнинг ҳамда доимий асосда ишловчи аъзоси О.Абдуназаровнинг Президент қарори ижроси юзасидан берган дастлабки ахборотлари инобатга олиниб, уларга ушбу йўналишдаги ишларни тизимли равишда давом эттириш вазифалари топширилсин.

5. Марказий сайлов комиссияси Котибият раҳбари С.Курбанкуловга:

- Котибият ходимларини янги ташкилий-штат тузилмаси асосида 2019 йилнинг 1 январидан лавозимга қайта тайинлаш бўйича таклиф киритсин;

- бўш иш ўринларига малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

- барча бўлимларни етарли даражада хоналар ва моддий-техник жиҳозлар билан таъминласин;

- Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг ҳар бир бўлими фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида доимий асосда ишловчи комиссия аъзоларини тегишли бўлимларга масъул этиб белгилаш вазифаси юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг олий юридик маълумотга эга бўлган доимий асосда ишловчи комиссия аъзолари ва Котибият ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи аъзоси О.Абдуназаровга:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Президент қарорининг 2-иловасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият ходимларининг ташкилий-штат жадвалини ишлаб чиқилганлиги муносабати билан уни Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш;

- Марказий сайлов комиссияси молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, транспорт воситалари билан таъминлаш учун зарур маблағларни ажратилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

8. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 899

2018 йил «27» декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНING 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН  
АХБОРОТ ҲАМДА 2019 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ИШ РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбанкуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов) тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Г.Рахимова зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 900

2018 йил «27» декабрь

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ  
АЪЗОСИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА МАЖЛИСДА  
САЙЛАНГАН Ф.ЭРМАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА  
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Хоразм вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2018 йил 26 декабрь кuni ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан **Фарход Уразбоевич Эрманов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 901

2018 йил «27» декабрь

### Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 14-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2010 йил 13 октябрь куни 506-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламентига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.Абдусаломов**